



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 18 » sentabr

№ 582

Toshkent sh.

Туризмнинг янги турларини жорий қилиш ҳамда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Туризмнинг янги турларини жорий қилиш орқали маҳаллий ва хорижий туристлар учун қўшимча имконият ва қулайликлар яратиш, туризм салоҳияти юқори ҳудудларда туристик хизматларни кўпайтириш, шунингдек, 2024 йилда стратегик йўналишлардаги ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлар режасининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2025 йил 1 январдан бошлаб туризмнинг қуйидаги янги турлари жорий қилинсин:

маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишишни назарда тутувчи **саноат туризми**;

олтин, руда ва бошқа минерал ресурслар қазиб олувчи конлар, шахталар, фаолият юритмаётган геологик объектларида технологик жараёнларни, шу жумладан, тоғ жинсларини портлатиш тадбирларини бехатар масофадан кузатиш, мутахассислар билан мулоқот қилиш, тоғ рельефлари бўйича экскурсияларни ташкил қилишни назарда тутувчи **геология туризми**;

илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялар, обсерваториялар ҳамда планетарийлар, Фанлар академияси ва унинг тизимидаги ташкилотларга ташриф буюриш орқали фан ва техника ютуқлари билан танишишни назарда тутувчи **илмий туризм**;

ҳарбий тарих ва фаолият билан боғлиқ жойларга ташриф буюриш, ёдгорликлар ва тадбирларда қатнашиш, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва шароитлари билан яқиндан танишиш, ҳудудларда туристларга ўқ отиш бўйича пулли хизматлар ташкил қилишни назарда тутувчи **ҳарбий туризм**;

мамлакатнинг сиёсий ҳаёти, давлат органлари ва ташкилотларининг тарихи ва фаолиятини акс эттирувчи жойларга, хусусан, Ҳукумат бино ва иншоотларига ташриф буюришни ўз ичига олган **давлат-бошқарув туризми**.

2. Туризмнинг янги турларини жорий этишга, шу жумладан, объектлар рўйхатини шакллантириш, уларга кириш-чиқиш тартибини ишлаб чиқиш, уларда пулли ва бепул кўрсатиладиган хизматларни белгилаш, тушаётган маблағлардан самарали фойдаланишга қуйидагилар **масъул этиб белгилансин**:

саноат туризми бўйича – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва ташқи савдо вазирлиги;

геология туризми бўйича – Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги;

илмий туризм бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Фанлар Академияси;

ҳарбий туризм бўйича – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

давлат-бошқарув туризми бўйича – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси тегишли объектларга туристик маршрутларни йўлга қўйиш ва уларга маҳаллий ва хорижий туристларни жалб қилиш, янги туризм хизматлари бўйича жамоатчилик мунтазам равишда хабардор қилиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва ташқи савдо вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Савдо-саноат палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган янги туризм турлари бўйича объектлар рўйхати, уларга кириш-чиқиш тартиби ва хизматлардан фойдаланишни назарда тегишли идоравий ҳужжат қабул қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг **2025 йил 1 январдан бошлаб** маҳаллий ва хорижий туристларга куйидаги хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, “Шон-шараф”, “Қуролли Кучлар” давлат музейлари ва ҳудудлардаги “Ватанпарварлар” боғларида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан бевосита таништириш;

Мудофаа вазирлигининг Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази Қибрай спорт мажмуаси базасида “Стендли отиш” ва ўқотар қуроллардан отишни пулли асосида йўлга қўйиш.

5. **2025 йил 1 октябрдан бошлаб** ички туризм инфратузилмаси бўйича аҳоли ҳамда туристларнинг хабардорлигини таъминлаш имконини берувчи, шунингдек куйидаги техник имкониятларни назарда тутувчи “Tourist map” интерактив портали синов тариқасида Самарқанд шаҳрининг халқаро аэропортида ишга туширилсин:

аэропорт, темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, тарихий, маданий, кўнгилочар, овқатланиш ва шу каби жойлар ҳамда уларга етиб бориш маршрутлари ҳақида маълумот тақдим этиш;

аҳоли ва туристларнинг саёҳат қилиш муддати ва қизиқишидан келиб чиқиб, саёҳат режасини тузиб бериш ва матрицали штрих код (QR-код) орқали мобил қурилмасига ўтказиб олиш имкониятини яратиш;

туристлар оқими юқори бўлган давлатлар тилларида ахборот бериш ҳамда тегишли ҳудуднинг харитаси намоиш этиб бориш.

6. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги **бир ой** муддатда тажриба ўтказиш даврида аэропорт, темир йўл вокзаллари ҳамда чегара ўтиш пунктларида туристларга бир ой фаол туристик сим-карталарни мобил алоқа операторлари томонидан бепул бериш амалиётини жорий қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги билан биргаликда **2025 йил 1 октябрга қадар**:

“Tourist map” интерактив порталини яратиш ишларини якунлаш ҳамда Самарқанд шаҳрининг халқаро аэропортида интерактив портал ускуналари жойлаштирилишини таъминласин;

“Tourist map” интерактив портали ускуналари атрофида бепул Wi-Fi зоналарини ташкил этсин;

“Tourist map” интерактив порталининг мобил иловасини ишга туширсин.

“Tourist map” интерактив портали ва унинг мобил иловасини ишлаб чиқиш, ишга тушириш, кейинчалик функционал имкониятларини кенгайтириш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда интерактив портал ускуналарини харид қилиш, сақлаш ва таъмирлаб бориш харажатлари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Туризм қўмитаси тажриба якунлари бўйича иқтисодий, молиявий ва туристик таҳлилларни амалга оширсин ва унинг асосида “Tourist map” интерактив порталини мамлакатнинг бошқа туризм оқими юқори бўлган ҳудудларнинг аэропорт, темир йўл вокзаллари, автовокзалларида ишга тушириш юзасидан **2026 йил 1 сентябрга қадар** Вазирлар Маҳкамасига асослантилган таклифлар киритсин.

8. Туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, транспорт-логистика соҳасини ва бизнес жараёнларини рақамлаштириш мақсадида **2024 йил якунига қадар**:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси билан биргаликда автотранспорт воситаларини ижарага бериш хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ва хорижий компаниялар (“Hertz”, “Avis”, “Sixt” каби) фаолиятини мамлакатнинг аэропорт ва темир йўл вокзаллари ҳудудларида йўлга қўйиш учун қулай шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ҳудудлар бўйича туристик йўналишлар ва объектларни қамраб олувчи рўйхатни шакллантириб, “Apple” ва “Google” халқаро хариталарга тақдим этилишини ва мунтазам равишда реестри янгилаб борилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси билан биргаликда халқаро онлайн тўлов компаниялари (“Paypal”, “Alipay”, “UniPay”, “Apple Pay”, “Google Pay” каби) билан музокара ўтказиб ушбу воситаларни Ўзбекистондаги тўлов тизимлари ва банк хизматларига улашни йўлга қўйсин, зарур ҳолларда, миллий қонунчилик талабларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1053-сон қарори билан 2020-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва “Олтин ҳалқа” туризм концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлар дастури тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ва янгиланган **2025-2027 йилларда Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш концепциясини** ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тошкент вилоятида ички туризмни иқтисодиётнинг устувор тармоғи сифатида ривожлантириш бўйича узоқ муддатли комплекс ривожлантириш режасини белгилаш;

туристик-рекреацион зоналарда давлат-хусусий шериклик ва кластер ёндашувиغا асосланган комплекс инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш;

туристларнинг узоқ муддатга қолиши ва такроран келишлари учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, туман (шаҳар)ларни ўзаро боғловчи туристик йўналишларни ишлаб чиқиш;

ҳар бир ҳудудда туризм объектларига олиб борувчи йўл кўрсаткичлар (навигациялар)ни ишлаб чиқиш орқали туристларга қулайликлар яратиш;

ҳудудларнинг табиий ҳолатини ҳамда қишлоқларнинг асл қиёфасини сақлаган ҳолда, сайёҳларни миллий маданият ва қадриятлар билан таништириш.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов